



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ ВА ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИМИЗ ИЖОБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 29 сентябрь куни Наманган ва Фарғона вилоятларида бўлди.

Мамлакатимизнинг изчил тараққиёти, инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг қўлмиш ислохотлар самаралари Наманган вилоятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Вилоят аҳоли саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида фидокорона меҳнат қилиб, Ватанимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётир. Наманган шаҳридаги Истиклол кўчасида 8, Бобур кўчасида 16 қўп қаватли турар жой бинолари, қўлаб савдо ва маиший хизмат шохобчалари барпо этилди. Наманган халқаро аэропорти, "Яшил" деҳқон бозори реконструкция қилинди. Янги йўллар, сўлим хиёбонлар шаҳар чиройига чирой қўшди.

Вилоятда 2015 йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,7 фоиз ўсди. Замонавий саноат тармоқларини ташкил этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш изчил давом этмоқда. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 922 лойиҳа амалга оширилди.

Президентимиз Наманган вилоятига сафарини Мингбулоқ туманидаги "Барак" фермер ҳўжалиги билан танишишдан бошлади.

Жорий йилда вилоятда 79 минг гектар майдонда галла экилиб, 500 минг тоннага яқин ҳосил кўтарилди. Бугунги кунда 82 минг 600 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида ерларнинг унумдорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган эътибор самарасини "Барак" фермер ҳўжалиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Фермер ҳўжалигида бу йил галланинг ҳар гектаридан ўртача 65 центнердан ҳосил олинди. Пахта далаларида ҳам юқори ҳосил етиштирилди.

Ислон Каримов мазкур фермер ҳўжалиги дала-сида фермерлар билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги учун муҳим масвум бўлган шу қўнларда сизлар билан дийдор кўришиш, ҳорманг деб, барчангизга қуч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди Президентимиз. Илгари деҳқон етиштирган пахта-сини тезроқ заводага топширишни, қандай қилиб бўлмасин режани бажаришни ўйларди. Пахтанинг нави, сифати, пахтакорнинг даромади ҳеч кимни қизиқтирмас эди. Бугун сифатли пахта етиштиришдан, уни вақтида йиғиб-териб юқори навларга топширишдан аввало фермерларнинг ўзи манфаатдор. Чўнки қанча сифатли пахта тайёрласа, шунча кўп даромад топмоқда.

Мулоқот чоғида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ривожини учун кенг имкониятлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бар-тараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам ушбу соҳа жадал ра-нак топаётир. Кичик бизнес субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 68,5 фоизни ташкил этмоқда. Улар ҳар томонлама қўлаб-қувватланаёт-гани натижасида ишлаб чиқариш ва уларни экс-порт қилиш ҳажми муттасил осиб бормоқда. Жор-ий йилнинг биринчи ярмида вилоятдаги кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томони-дан 56,3 миллион доллар миқдоридagi маҳсулот-лар экспорт қилинди. 17 минг 260 янги иш ўрни яратилди.

Биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаёти-ни барпо этишда шўшма-шўшарликка йўл қўйма-дик, маррани ким тезроқ эгаллайди, қабилдаги мусобақаларга қўшилмадик, ўзгалардан нўсха ол-мадик. Чўкур ва пўхта ўйланган, машўр беш та-моилга асосланган, жаҳон миқёсида тараққиётнинг "ўзбек модели" деб тан олинган дастурни босқич-ма-босқич амалга оширди. Бунинг самарасини мамлакатимиз эришяётган улкан ютўқ ва марра-ларда кўриш мумкин, деди Президентимиз.

Мамлакатимиз иқтисодиёти истиқлол йилларида 5,5 қаррадан зиёд ўсгани, аҳолининг реал даро-мадлари жон бошига 9 марта кўпайгани, глобал молиявий-иқтисодий инкироз давом этаётганига қарама-дан, сўнгги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш ҳажми 8 фоиздан юқори бўлиб келаётгани алоҳида қайд этилди.

Фақат галла ва пахта етиштириш билан юксак фа-ровонликка эришиб бўлмайди, деди Ислон Каримов. Доим изланиш, ўрганиш, дунё билан ҳамқадам бўлиш, янги марралар сари интилиш зарур. Қиш-лоқларда одамларга юқори даромад келтирадиган замонавий саноат қорхоналарини кўпайтириш, иқтисодиёт тармоқларини таркибий ўзгартиришни изчил давом эттириш керак.

Илгари ҳавас қилган мақсадларимизга бугун эришмоқдамиз. "Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун" деган эзгу гоя одамларимиз ҳаётида ўз ифодасини топмоқда. Бу барчангизга қанот, ўз кўчимизга ишонч, айни чоғда қувонч бағишламоқда, деди Юртбошимиз.

Президентимиз Ўйчи туманидаги "Обод замин" фермер ҳўжалиги далаларида ҳам таширф бўюрди. Мазкур ҳўжалик ишчилари бу йил галладан 75 центнердан хирмон кўтарган. Шу қўнларда етишти-рилган мўл пахта ҳосили йиғиб-териб олинмоқда.

Барча ҳудудларда бўлгани каби Наманган ви-лоятида ҳам кенг қўламли қурилиш ва ободон-лаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Қўркам уй-ҳўйлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, за-монавий қорхоналар, кенг ва раван йўллар шаҳа-ру қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгарти-риб, ҳалқимиз фаровонлигининг юксалишига хиз-мат қилмоқда.

Вилоятда ўтган йили 260, бу йил 140 намунавий уй-ҳўй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги массивларда табиий газ, электр энергияси, ичим-лик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қури-лди. Махалла гузарлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари бунёд этилди.

Ободлик аввал қалбда туғилади – кўнгилдан бош-ланади. Инсон шўни мақсад қилиб, астойдил ҳа-ракат қилса, албатта рўёбга чиқади, деди Юртбоши-миз. Бир неча йиллар олдин бошланган намунавий лойиҳалар асосида уй-ҳўйлар қурилиши бугун ях-лит индустрияга айланди. Бу йўларда одамлар яй-раб яшамоқда. Энг муҳими, бундай йўларда яшаёт-ганларнинг дунёқараши ҳам ўзгармоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз ҳам ҳалқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш, бахтли ва фаровон ҳаёт кечи-ришини таъминлашдир.

Буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик ва осийишталик шарофатидир. Айниқса, ёшларимиз ўз олдида аник мақсадлар қўйиб, дадил интилаёт-гани, барча соҳаларда катта ютўқларга эришяётга-ни ҳалқимиз қалбини гурурга тўлдиряётир.

Ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қўлга киритилаётган бундай улкан ютўқлардан ҳар бири-си фахрланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақликим, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз кўннинг иккинчи ярмида Фарғо-на вилоятига таширф бўюрди.

Фарғона вилояти мамлакатимиз ижтимоий-иқти-содий, маданий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин ту-тади.

Ислон Каримов Фарғона шаҳрининг бош режа-сини амалга ошириш борасидаги ишлар билан та-нишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрдаги "Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга оши-риш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори асосида вилоят марказида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Замо-навий қорхоналар, таълим ва тиббиёт муассаса-лари, спорт мажмуалари ва стадионлар, йўллар, хиё-бонлар бунёд этилаётир.

Қарор ижроси бўйича Фарғона шаҳрининг қиёфа-сини замонавий шаҳарсозлик талабларига мувофиқ тубдан янгилаш, ижтимоий инфратузилма ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини комплекс ривожлантириш ва ободонлаштириш бўйича кенг

қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳарда бунёдкорлик, ободонлаштириш, уй-ҳўй коммунал, йўл ҳўжалиги ва транспорт хизматини, сув, электр энергияси, табиий газ таъминотини сифат жиҳатдан яхшилаш борасида салмоқли ишлар бажарилди.

Бугун мамлакатимизда замонавий шаҳарсозлик соҳасида эришилаётган улкан ютўқлар кўпчилигининг ҳавасини тортмоқда. Иншоотлар, турар жой бино-лари, ижтимоий инфратузилма объектлари, дам олиш ва зиё масканлари қурилишида миллий меъ-морлик анъаналари билан замонавий архитектура-ни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқ-да. Улар атрофи ландшафт дизайни асосида қўла-ламзорлаштирилаётгани ҳар бир ҳудуд қиёфасига ўзгача чирой бағишламоқда.

Ислон Каримов Марғилон шаҳридаги "Нарим-текс" қўшма қорхонаси фаолияти билан танишди.

Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорликни ривожлантириш, қўлай иш-билармонлик муҳити яратиш борасида амалга оши-рилаётган изчил ишлар самарасида вилоятда маз-кур соҳа жадал тараққий этмоқда. Бугунги кунда вилоятда 18 мингдан ортиқ кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатиб, уларнинг ялпи ҳудудий маҳсу-лотдаги улуши 51,2 фоизга етди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда хори-жий инвестиция иштирокида 12 қўшма қорхона та-ш-кил этилди. Бунда қўшма қорхоналарни модерниза-ция қилиш борасида яратилаётган имтиёз ва ка-фолатлар ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Бу жараёнда пахтани қайта ишлаш ва тикувчи-ликка иختисослаштирилган қўшма қорхоналар эри-шяётган ютўқлар диққатга сазовордир. Бугунги кун-да вилоятда "Наримтекс", "Индорама Қўқон тек-стиль", "Фарғона Турон текстиль", "Беширтек-стиль" сингари илғор технологиялар асосида жи-ҳозланган қўлаб қорхоналарда халқаро андозларга мос маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур қорхоналарда тайёрланаётган маҳсулотларга ички ва ташқи бозорда талаб ортиб бормоқда.

"Наримтекс" қўшма қорхонасида 2012-2015 йил-лар мобайнида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар самараси-да Германия, Италия, Туркия ва Хитойда ишлаб чиқарилган энг замонавий бичиш-тўқуш, пардоз-лаш жиҳозлари ва тикув машиналари ўрнатилди. Янги иш ўринлари яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-ликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бар-тараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фар-мони ва мазкур Фармон асосида шу йил 20 август-да қабул қилинган Қўнун тадбиркорлик фаолиятини ишончли ҳимоя қилиш ва жадал ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Президентимиз ички ва жаҳон бозоридида муно-сиб ўрин топиш учун мунтазам изланиш, янги-янги маҳсулот турларини ўзлаштириш зарурлигини қайд этди. Бозор конъюнктурасини ўрганган ҳолда маҳ-сулот тайёрлаш, дизайн масалаларига эътиборни қўчатириш, энг асосийси, жаҳон бозоридида ўз брен-дини яратиш лозим.

Бугун ҳалқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг замонавий кийинишга эҳтиёжи ва талаби тобора осиб бормоқда, – деди Ислон Каримов. – Улар-нинг ўсиб бораётган талабини юртимизда ишлаб чиқарилган замонавий ва сифатли маҳсулотлар хисо-бидан қондириш муҳим вазифадир. Бунинг учун за-монавий қорхоналарни янада кўпайтириш, истеъ-додли, замон ва бозор талабларини чўқур ҳис эта-диган моҳир тадбиркорларимизни ҳар жиҳатдан қўлаб-қувватлаш лозим.

Ислон Каримов қорхона ишчиларининг ҳаёти, қор-хонада яратилган шaroнлар билан қизиқди.

Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига са-фарини давом этмоқда.

**Анвар САМАДОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
Акрамжон САТТОРОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари**

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимизда 29 сентябрь куни "Шаҳарнинг юқори технологик инфратузилмаси" мавзусида Ўзбекистон – Япония конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Ш.Тўла-ганов, Ўзбекистон савдо-саноат пала-таси раиси А.Шайхов, Япония ер, ин-фратузилма, транспорт ва сайёҳлик ва-зирининг парламентдаги ўринбосари К.Сузуки, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов ва бошқалар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик алоқа-лари барча жабҳалардан, жумладан, иқти-содиёт, саноат ва юқори технология-лар соҳаларида изчил ривожланиб бо-

раётгани, бунда икки давлат раҳбарла-рининг учрашувлари чоғида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкид-лади. Президентимиз Ислон Каримо-вининг 2011 йилнинг февраль ойида Япо-нияга расмий таширфи ўзаро манфаат-ли ва фаол муносабатларни янги маз-мун билан бойитишга хизмат қилди.

Япония Ўзбекистоннинг асосий иқти-содий шерикларидан. Мамлакатимиз учун Осиё-Тинч океани давлатлари би-лан алоқаларни кенгайтиришда Япония

билан муносабатларни ривожлантириш алоҳида ўрин тутати. Ўзбекистон би-лан Япония ўртасида 2002 йилда им-золанган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баё-ноў ўзаро муносабатларнинг изчил ри-вожланишида муҳим омил бўлаётир.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини жадал ва мутаносиб ривожлантиришда, аҳоли ҳаёт даражаси ва турмуш сифа-тини тубдан яхшилашда, бошқа соҳа-лар қатори туризмни раванқ топти-ришда шаҳарлар инфратузилмасини

такомиллаштириш муҳим ўрин тутати. Мамлакатимизда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида шаҳар-ларни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ис-лохотлар ўзининг юксак самараларини бераётир. Хусусан, шаҳарларимизни комплекс қуриш бўйича қабул қилин-ган дастурларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида уларнинг қиёфа-си тубдан ўзгариб бормоқда. Юртимиз шаҳарлари қадимий ва замонавий меъ-морий анъаналар уйғунлигида тобора гўзаллашиб бораётир, ноёб лойиҳалар асосида маъмурий бинолар, маҳобатли иншоотлар, қўркам турар жойлар ҳамда кенг кўчалар, раван йўллар ва замона-вий кўприklar, обод бозорлар бунёд этилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ*

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёш авлоднинг интеллектуал ва маънавий са-лоҳиятини юксалтириш, уларни она Ватанга муҳаббат, истиқлол гояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишларида қўшган салмоқли ҳиссаси, таълим-тарбия тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёшларга илм-фан асосларини ва замонавий касб-ҳўнарларни ўргатишдаги фи-дойлиги ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйида-гиларга фахрий унвонлар берилсин:

"Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси"

Бердиев Турдали Жуманович — Яқкабоғ туманидаги 14-ихти-сослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг мате-матика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Усмонова Арофатхон Мадаминовна — Шахрихон туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган халқ таълими ходими"**

Жабборов Гулнора Бекановна — Янгиарик туманидаги 38-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Саидходжаева Васила Мухаммадалимовна — Пискент тума-нидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитув-чиси, Тошкент вилояти

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийси"**

Алланов Аяпберген Жаббарбергенович — Нукус шаҳридаги 12-болалар мусика ва санъат мактаби директорининг ўқув ишла-ри бўйича ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Джуроева Жамила Зайдамовна — Жиззах шаҳридаги 1-уму-мий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Жиз-зах вилояти

Каримова Дилбар Ташпулатовна — Тошкент педагогика кол-лежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мардаев Гулмурод Зайдамович — Жарқўрғон қурилиш ва гид-ротехника касб-ҳўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сур-хондарё вилояти

Султонова Сайёра Дилмуродовна — Поп тиббиёт коллежи-нинг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Тошмуродова Малюхат Носировна — Жомбой туманидаги 51-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хамроев Ражаббой Кўлдошович — Навбахор саноат касб-ҳўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ходжиева Ойгул Кадиоровна — Марғилон миллий ҳўнарманд-чилик касб-ҳўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Шомиева Малика Ҳамроевна — Қоровулбозор туманидаги мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Бўхоро вилояти

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган спорт устози"**

Артиков Алишер Абдуллаевич — Сайхунбод туманидаги бо-лалар ва ўсмирлар спорт мактабининг шашка бўйича мураббийи, Сирдарё вилояти

Юртимизда таълим соҳасини замонавий талаблар асосида та-комиллаштириш, ҳалқимизнинг маданияти ва маънавиятини юк-салтириш ишларида қўшган муносиб ҳиссаси, ёш авлодни соғлом ва баркамол вояга етказиш, уларни ватанпарварлик, миллий ис-тиқлол гоясига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

**"Фидокорона хизматлари учун" ордени
билан**

Алланазаров Ўрол Шодмонович — Қизилқум туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Аманова Зулхумор Ҳамидовна — Фарғона вилоятидаги им-конияти чекланган шахслар учун иختисослаштирилган Республика касб-ҳўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Турдиматов Закир Ярлакапович — Бекобод техника-иқтисодиёт касб-ҳўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

"Меҳнат шўхрати" ордени билан

Ботиров Махаммадали Аҳмадович — Ёзёвон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Джалилов Асатулла Тўйчиевич — Ширин энергетика ва маиший хизмат касб-ҳўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Жуманазарова Зерлихан Жумамуратовна — Кегейли туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитув-чиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Зуфарова Дилорам Темуровна — Олмазор туманидаги 249-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитув-чиси, Тошкент шаҳри

Иштаев Юлдош Кушназарович — Зарбдор қишлоқ ва сув ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Жиззах вилояти

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КҮНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН
ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йўлдашев Обиджон — Наманган қурилиш ва ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Наманган вилояти

Каримов Илхомжон Нишанович — Жалолқудук туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Андижон вилояти

Маматкулов Абдулла — Булунгур туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ражаббаев Атабек Эгамбергенович — Урганч туманидаги маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Рахимов Гулбахар Шарофова — Бухоро туризм коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Тураева Махфуза Шералиевна — Сарийоси туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Хамзаева Гулхумор Эргашбаева — Янгийўл туманидаги 65-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Хасанов Зайниддин Насриддинович — Учқудук кончили касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

Шеркулова Дилрабо Арамова — Қарши шаҳридаги "Мурувват" ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

II даражали "Соғлом авлод учун"
ордени билан

Мамаразакова Наталья Сабировна — Андижон олимпия захиралари коллежининг синхрон сузиш бўйича мураббийи, Андижон вилояти

Реймова Гулбахар Еденбай кизи — Шуманай туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Шаулов Константин Эдуардович — Тошкент шаҳридаги 4-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг спорт гимнастикаси бўйича катта мураббийи

"Дўстлик" ордени билан

Абдурахманова Замира Амириллаевна — Гулистон тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Жўраева Барчиной Мейлиевна — Қарши саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каюмова Назира Рахматуллаевна — Ўрта Чирчиқ туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Кузнецова Инна Борисовна — Яшнобод туманидаги 307-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Матмусаева Ранохон Джурабаева — Қўрғонтепа туманидаги "Мурувват" ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Андижон вилояти

Ражабов Илхом Усмонович — Вобкент туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Рустамова Лобархон Ибрагимовна — Тўрақўрғон туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Сафарова Нодира Турсунбоевна — Узун туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Тлеумуратова Зулфия Сансизбаева — Қонлиқўл туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Турдалиева Дилором Маматовна — Пахтакор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Улғбекова Иродахон Ғуломжоновна — Олтиариқ туманидаги 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Хакимова Шаҳодат Абдуллаевна — Навоий шаҳридаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хамраев Қамардин Аблакулович — Самарқанд автомобилсозлик касб-хунар коллежи директорининг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

Шахметова Альфия Калимуллоевна — Урганч шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Хоразм вилояти

"Шухрат" медали билан

Абдуллаев Эркинбой Рўзимович — Кўшқўпир туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Абдуллаева Гулбахар Сайпиевна — Кармана саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Навоий вилояти

Акимиязов Ҳикмат Асаматдинович — Кўнғирот кимё саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Алимарданова Наргиза Тайировна — Жиззах вилоятидаги гимнастикага ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бадий гимнастика бўйича бош мураббийи

Амируллаев Абдулхак Камалович — Пайариқ туманидаги 44-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Ашуров Нумонжон — Андижон машинасозлик институти қошидаги 2-академик лицейнинг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Бабаев Акмал Азамович — Бухоро нефть ва газ саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Бахриева Марҳамат Турғуновна — Юкори Чирчиқ туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Бойқобилова Лобар Таштемировна — Окдарё туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Васова Шахло Азимбоевна — Хива ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг физика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Гафурова Гулчирай Акбаралиевна — Мингбулоқ туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Гафурова Анорхон Бахромовна — Шеробод туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Давлетова Шоҳида Шухратовна — Тошкент шаҳридаги 2-Республика тиббиёт коллежининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Давранова Мукаддамхон Ибрагимовна — Пахтабод туманидаги 37-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Дусаров Олим Худаймуратович — Термиз саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сурхондарё вилояти

Кабиров Истам Ашурович — Когон шаҳридаги 6-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг бокс бўйича мураббийи, Бухоро вилояти

Қадиров Шухрат Кабилевич — Учтепа туманидаги 203-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Кенджаева Холида Юлдошевна — Қарши туманидаги 60-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Кенжаева Манзура Эшболтаевна — Ғузор молия-иқтисодий касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Кубаева Нилуфар Тوشмуродовна — Иштихон маиший хизмат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Мамажонов Максатжон Мухторович — Фарғона олимпия захиралари коллежининг таэквондо бўйича бош мураббийи, Фарғона вилояти

Махмадов Рашид Джураевич — Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Махмудов Зухриддин Данаевич — Фаллаорол туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Машарипов Худаяр Исламбаевич — Богот туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Миршаева Нодира Ҳомидовна — Каттақўрғон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Муслимова Саида Тилаповна — Бўстонлик туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Мустофоев Жуманазар Сафоевич — Бухоро давлат университети қошидаги 3-Қорақўл академик лицейининг математика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Мухамеджанова Гули Маратовна — Тошкент қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мухитдинова Наргизахон Муратовна — Кува компьютер технологиялари касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Назаров Равшан Абдурахимович — Музработ туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанлари ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Ниязова Зулхумор Сагдиллаевна — Косон саноат-транспорт касб-хунар коллежининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Орифжоновна Мунира Таировна — Юнусобод туманидаги 21-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Пиров Равшан Эрнестович — Жондор саноат касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Раджабова Матлуба Исмаиловна — Шайхонтоҳур туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Разиқова Лола Юлдашалиевна — Қуйи Чирчиқ транспорт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

Рахимов Фарида Хусеновна — Китоб туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Сайпов Сайлаубай Бердибаевич — Нукус туманидаги агроиқтисодий касб-хунар коллежининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Талибов Гайрат Хамидович — Самарқанд шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг оғир атлетика бўйича бош мураббийи, Самарқанд вилояти

Топилов Матлубахон Назимдиновна — Ангрен кимё саноати касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Темирова Мамурахан Кохоровна — Балиқчи туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Тожибоев Зоҳиджон Абдусаттарович — Наманган туманидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, Наманган вилояти

Туракулова Хуршида Эгамбердиевна — Қамати туманидаги 6-болалар мусика ва санъат мактабининг дутор синфи ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Турдимуратова Абадан Баймуратовна — Нукус педагогика коллежининг махсус фан ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Усмонова Лазиза Қасимовна — Учқўрғон туманидаги 43-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ғайзиева Матлуба Шароповна — Нурота туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Хайтов Тўрабой Рузиевич — Данғара туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Фарғона вилояти

Халикулова Зулайха Анваровна — Гулистон туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Халимуратова Жумагул Мафуровна — Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали қошидаги академик лицейнинг биология фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Хамдамова Азизахон Собиржановна — Янгиқўрғон енгил саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Наманган вилояти

Ходжабаева Дилфуза Джураевна — Мирзабод туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,

2015 йил 29 сентябрь



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқандда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгашининг матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида илк бор ўтказилаётган "Фарзандлик бурчим" лойиҳаси ҳамда "Нуронийлар эъзозимизда" патронаж ёшлар ҳаракати ташкил этилгани, мазкур лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти, тарбиявий аҳамияти ҳақида маълумот берилди.

● Бухоро шаҳридаги Аҳмад Доғиш номи маҳаллада истикомат қилувчи тадбиркор Ўткир Ўктамов хайри ишга қўл урди. Яқинда унинг ташаббуси билан катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди — замонавий лойиҳа асосидаги уч қаватли спорт-соғломлаштириш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

● "Андижон нефть базаси" унитар корхонаси маъмурияти ва қасаба уюшма кўмитаси томонидан ушбу жамоада узоқ йиллар ишлаган фахрийлар ҳамда фаол, жамоатчи ишчи-ҳодимларнинг Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳати уюштирилди. Саёҳатчилар ушбу шаҳарлардаги тарихий обидалар билан бирга, амалга ошираётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан ҳам танишишди.

● Тошкент вилоятида ўн бешинчи бор "Кузги аккорд-2015" муаллифлик кўшиқлари ва шеърят фестивали бўлиб ўтди.

● "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури асосида амалга оширилган миллий анъаналарни асраб-авайлаш йўлида Андижондаги А.Чўлпон номидаги халқаро хайрия жамғармаси қошида фахрийларнинг "Эъзоз" ансамбли ташкил этилди.

● Сирдарё вилоятининг Сардоба туманида ёш оилаларга мўлжалланган 16 та хонадонли янги турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг халқаро космик тадқиқотлар билан шуғулланувчи NASA ташкилотининг экспертлари Марс сайёраси юзасида сув мавжудлигининг далилларини топдилар. Улар Қизил сайёрада нафақат сув, балки дарёларнинг ҳам изларини топишга муваффақ бўлишди. Эндиликда мутахассислар Марсда ҳаёт бўлганлигини исботлаш юзасидан сайёра-қатларни олиб боришмоқда.

● Халқаро Футбол федерацияси — ФИФА бош котиби Жером Вальке 2014 йилда Бразилияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати чипталарини озоққуний сотганликда айбланиб, ўз вазифасидан озод этилди. Маълумотларга кўра, Ж. Вальке "мундиал" давомида саккиз мингдан ортиқ чипталарни назоратсиз сотган ва икки миллион евро миқдорида даромад топган.

● Мексикада гаройиб суд жараёни бўлиб ўтди. Унда 13 кишини ўғирлаш ва ўлдиришда айблангани ҳолда учта жиноятчининг ҳар бири 520 йилдан қамқоқ жазосига ҳукм қилинди. Шунингдек, жиноятчиларнинг ҳар бири 300 минг доллардан жаримага ҳам тортилди.

● Данияда ўтказилган кимошди савдосида 1905 йилда ишлаб чиқарилган электромобилнинг сақланиб қолган ягона нусхаси 94,5 минг долларга сотилди. Тўлалигича ишлашга тайёр ушбу электромобилга енгил замонавий аккумуляторлар ва тезликда ток қувватини оладиган тизимни ўрнатган ҳолда озгина янгилик киритилди.

ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шаҳарларимизнинг бетақдор қиёфаси ва қулай, замонавий инфратузилмаси халқаро ҳамжамият эътиборини тортмоқда. Буюк Британиянинг нуфузли "The Economist" журналининг берган баҳосига кўра, пойтахтимиз Тошкент шаҳри ободлиги ва яшаш учун қулайлиги жиҳатидан дунё рейтингига 140 шаҳар орасида 58-ўринни эгаллагани ва жаҳон таснифида яшаш учун энг қулай бўлган йирик шаҳарлар каторига киритилгани мамлакатимизда шаҳарларни ободонлаштириш ва инфратузилмасини жадал яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга ёрқин мисол бўла олади.

Шаҳарсозлик йўналишида Ўзбекистон — Япония ҳамкорлигига бағишланган конференцияда мамлакатимизда шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган илчил ислохотлар, шаҳарларнинг

юксак индустриал ривожланиш салоҳияти юқори баҳоланди. Бу сайёҳаракатлар Ўзбекистонда саноат ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, ҳорижий сармоядорлар учун яратилган сармоявий муҳитни янада яхшилашга ва мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

— Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги етакчи мамлакат, — деди Япония ер, инфратузилма, транспорт ва сайёҳлик вазирининг парламентдаги ўринбосари Кейсуке Сузуки. — Япония учун Ўзбекистон билан ҳамкорлиқни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис тадбирда иштирок этган Япониянинг кўплаб компаниялари мамлакатимиз билан ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тошкентнинг гўзал ва фусункор қиёфаси катта таассурот қолдирди. Айниқса, Тошкент

метрополитени хавфсиз, қулай ва юксак хизмат кўрсатиш маданияти намунасига айланиши, бекатларнинг ўзига хос, бетақдор дизайни мени хайратга солди. Биз Япониянинг юқори технологияларини жалб этган ҳолда пойтахтингиз инфратузилмасини янада такомиллаштириш бўйича мамлакатингиз билан яқин ҳамкорлик қилмоқчимиз.

Форумда шаҳарсозлик соҳасида икки томонлама ҳамкорлик истикболлари юзасидан фикр ва тажриба алмашилди. Қунчиқар мамлакатнинг шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришдаги энг замонавий технологик ютуқлари ҳақида сўз юритилди.

Анжуманда иштирок этган Япониянинг "Шимидзу", "Тайсеи", "АйЭйЧай", "Итоку", "Текуно Торансу", "Мицубиши", "Тойота Цусе", "Ниппон Коэи", "Марубени", "Панасоник", "Мицуи" каби қатор корпорациялар ва молиявий

ташкilotлар вакиллари Ўзбекистонда бошқа йўналишлар қатори шаҳарни модернизация қилиш ва инфратузилмани юқори технологик ривожлантиришда фаол иштирок этиш, ўзаро фойдали ҳамкорлиқни янада кенгайтириш ниятида эканини қайд этди.

Конференцияда Ўзбекистон, Япония ва жаҳоннинг юқори сифатли шаҳар ва транспорт инфратузилмалари, соҳада хавфсизлик ва транспорт бошқаруви тизими, бунда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни, қурилишнинг барқарорлаштириш методлари, табиий офатларнинг олдини олиш технологиялари ҳамда бу борада қўша ва молиявий лойиҳаларга доир масалалар муҳокама қилинди.

Япония делегацияси Ўзбекистон Республикаси Молия ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўзаро ҳамкорлиқни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Махфуза МИРБАБАЕВА
Юнусобод тумани ФХДЁ бўлими мудираси

Спорт янгиликлари

“Бунёдкор”да
янги бош
мураббий

“Бунёдкор” футбол клуби раҳбарияти эндиликда асосий жамоага тажрибали мутахассис, мураббийлик фаолияти давомиди “Навбахор”, “Косонсойчи”, “Машъал”, “Нефтчи” каби жамоаларда фаолият юритган Бахтиёр Бобоевни янги бош мураббий этиб тайинлади.

Бахтиёр Бобоевнинг бош мураббий бўлишида унинг 2007 йилдан буён “Бунёдкор”да фаолият юритиб келаётгани, клубнинг спорт директори, кейинчалик бош директор лавозимда ишлаб, мураббийлар штаби ва асосий таркибдаги футболчиларнинг имкониятларини яхши билиши ҳам ҳисобга олинган. Эслатиб ўтамиз, Фаргона шаҳрида ўтган “Нефтчи”га қарши учрашувдан сўнг чемпионлик учун курашдан даярли чиқиб кетган “Бунёдкор” клуби собиқ бош мураббийи Сергей Лушчаннинг истеъфоси қабул қилиниши билан дарҳол бу тўхтамга келинди.

Жамоага 2014 йилнинг 3 июнидан бош мураббийлик қилган Сергей Лушчан эса ўзининг аввалги вазифаси — “Бунёдкор” футбол мактаби директорлигига қайтарилди. Ишонимизки, бир вақтлар маҳоратли таянч ярим ҳимоячиси сифатида кучли чемпионатларда тўп сурган Сергей Иванович яна янгидан-янги ёш футболчиларни бутун ўзбек футболга етиштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олади.



Пойтахтимизда дзюдо бўйича халқаро Гран-при мусобақаси ўтказилиши арафасида Халқаро дзюдо федерацияси полвонларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.

РЕЙТИНГ ЭЪЛОН
ҚИЛИНДИ

Бу сафар рейтингда у қадар катта ўзгаришлар кузатилмади. Фақатгина 60 килограммгача бўлган вазн тоифасида Жанубий кореялик Вон Жин Ким биринчи ўринга кўтарилиб олди. Шунингдек, Михаил Пуляев, Рустам Оружов, Таканори Нагаса, Дон Хан Гвак, Элмар Гасимов, Тедди Ринер ҳамон ўз вазнларидан етакчилиқни бошқаларга топширмасдан келмоқда.

Ҳамюртларимиздан эса ўз вазн тоифаларига кўра Шарофиддин Лутфуллаев — 5, Ришод Собиров — 7, Яхё Имомов — 13, Шерали Жўраев — 19, Рамзиддин Саидов — 21, Абдулла Тангиров — 19 поғонадан ўрин олишди. Эслатиб ўтамиз, пойтахтимиздаги мусобақада вакилларимизнинг ижобий иштироки навбатдаги рейтинг жадвалида юқори ўринларга кўтарилиш имкониятини яратди.



Мухаммад Амин олган суратлар

ЎЗАРО ТАЖРИБА
АЛМАШИШАДИ

Мамлакатимизда аёллар футболнинг жадаллик билан ривожланаётгани боис Осиё Футбол Конфедерацияси томонидан ўзбекистонлик мураббийларга ҳам алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатилмоқда.

Хусусан, ОФК томонидан Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида 4-7 октябрь кунлари ташкиллаштирилган маҳоратли мураббийлар учун семинарларга Ўзбекистон аёллар терма жамоаси устози Баҳром Норсафаров таклиф этилди.

Форум кўринишида бўлиб ўтadиган мазкур семинарларда асосан минтақамиздаги мураббийларнинг фаолиятлари янада профессионал бўлиши ҳамда уларнинг тактик, жамоавий ва

услубий жиҳатдан иш олиб боришларини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, семинарлар кун тартибда ташкилотчи ва иштирокчилар ўртасида соҳага доир савол-жавобларга ҳам маълум вақт ажратилган. Бу каби йиғинларда қўшамизнинг энг сара мураббийлари ўзаро тажриба алмашиш имкониятига эга бўлади.

Ботир ХЎЖАЕВ

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Чилонзор туманидаги 43-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида “Қамолот гунчалари” анъанавий республика очик турнирининг туман босқичи ўтказилди.

“Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан ташкил этилган мусобақада умумтаълим мактаблари босқичида голиб бўлган 75 нафар қиз маҳоратларини кўрсатди.

“Қамолот гунчалари” турнирини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ўқувчи-қизлар ўртасида спортнинг бадий гимнастика турини омаллаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйишдан иборатдир.

— Ўқувчи-қизларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда бу каби спорт мусобақаларининг ўрни катта, — дейди “Қамолот” ёшлар ижтимоий

ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдидов. — “Қамолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон гимнастика федерациясининг шаҳар филиали, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиалининг Қўшма қарори ижросини таъминлаш, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, бадий гимнастика спорт мусобақаларига оммавий тарзда жалб этиш мақсадида тумандаги умумий ўрта таълим мактабларида тахсил олаётган ўқувчи-ёшлар ўртасида ёшларни соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган “Қамолот гунчалари” анъанавий

республика очик турнирининг туман босқичи ташкил этилди.

Мусобақада иштирокчилар ёш тоифалари бўйича ўз маҳоратларини намоён этишди. 11-12 ёшдаги қизлар предметсиз арқонда (скакалка) чиқиш, иккинчи гуруҳда 13-14-15 ёшдаги иштирокчилар ҳалқа, гимнастика тўпида мусобақанинг Д ва Е тоифалари бўйича ўзаро беллашди. Хар бир иштироки алоҳида якка тартибда гиламга чиқиб, мусика садолари остида спортнинг нафис тури бўйича маҳоратларини кўрсатишди.

Иштирокчиларнинг бир-биридан гўзал чиқишлари, моҳирона ҳаракатлари йиғилганларни ҳайратлантирди. Мусобақа натижаларига кўра голиблар аниқлашиб, 1-2-3-ўринларни қўлга киритган қизларга “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, фаол иштирок этган бир гуруҳ ўқувчилар ҳам эсдалик совғалар ҳамда дипломлар билан тақдирланди.

Дилшод ЮСУПОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

2016 йил учун катта илмий ходим-изланувчи институтига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

07.00.08 ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ТАРИХИ

2 та ўрин

08.00.09 ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

2 та ўрин

12.00.10 ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

2 та ўрин

Хужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Катта илмий ходимлар-изланувчилар сифатида ўқишга талабгорлар қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

ариза;
маълумотнома;
меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
тадқиқот мавзуси бўйича эълон қилинган илмий маъруза ва докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
илмий журналларда ва нашрларда эълон қилинган илмий мақолалар (камида учта), илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари тўпламла-

рига фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқотининг асосини ташкил этиши мумкин бўлган тегишли илмий йўналишлар бўйича бошқа илмий ишлар тўпламларига киритилган тезислар (камида иккита) рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари;

талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАҚ хужжатининг нусхаси;
етақчи олимлардан бирининг уни илмий консультант сифатида белгилаш юзасидан ёзма розилиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиблари тегишли хужжат нусхасини тақдим этадилар.

Кириш имтиҳонлари Ўзбекистон тарихи; Фаннинг билиш назарияси ва методологияси ҳамда фалсафа, фан методологияси; Чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тили бўйича) ва Мутахассислик фанларидан иборат.

Хужжатларни қуйидаги манзил бўйича топшириш мумкин:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй. Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. “А” бино, 1-қават, 8-хона.

Мурожаат учун телефон: 267-07-07.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА
ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

2016 йил учун мустақил изланувчи институтига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

07.00.08 ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ТАШҚИ СИЁСАТ ТАРИХИ

08.00.09 ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

12.00.10 ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

Хужжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.

Талабгорлар мустақил изланувчиликка қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

ариза;
иш жойидан тавсифнома;
маълумотнома;
олий таълим ёки фан номзоди тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;
меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
талабгорнинг илмий ва илмий-педагогик фаолиятга лаёқатини аниқлаш юзасидан ўтказилган тест синовидан ўтганлигини тасдиқловчи ОАҚ хужжатининг нусхаси;
илмий ишлар рўйхати.

Хужжатларни қуйидаги манзил бўйича топшириш мумкин:

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 54-уй. Фан ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими. “А” бино, 1-қават, 8-хона.

Мурожаат учун телефон: 267-07-07.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ
ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан эғалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

Солиқ даври учун жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш мuddати ҳисобот йилининг 15 октябрга қадар этиб белгиланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ суммасига хар бир кечиктирилган кун учун қонунчиликда белгиланган тартибда пеня ҳисобланиб, қарздорлик Суд тартибда мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер солиқларини 15 октябрдан кечиктирмай тўлашни унутманг!

Акциядорлик-тижорат Халқ банки Олмазор филиалининг Талабалар кўчаси 54 “А”-уй манзилида жойлашган биносига 29 466.014 минг сўмлик компьютерларни боғлаш ва филиалларо тизим (сет)нинг ўрнатилиши ҳамда 73 052.512 минг сўмлик ёнган хавфсизлиги талаблари бўйича бинога ёнган ўчиришда фойдаланиладиган гидрант мосламасини ва автомобильлар учун тураргоҳ (автостоянка) ташкил қилиш юзасидан тендер ўтказилаётганини ҳақида маълум қилади. Тендер учун ажратилган харажатлар жами қўшимча қиймат солиқлари билан 123 022.232 минг сўмни ташкил қилади. Мурожаат учун тел: +(99871) 227-18-00. +(99871) 227-20-40.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти қошидаги 2-сонли академик лицей вакант бўлган академик лицей директорининг Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Эълон шартлари ва тақдим қилиниши зарур бўлган хужжатлар тўғрисидаги маълумотни олиш учун 291-14-07 телефонига мурожаат қилиш мумкин.



Тошкент шаҳрида 1 октябрь кунини ҳаво ўзаро турари, ёнгарчилик бўлмади. Шарқдан се-кундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси

— 11-13, кундузи — 26-28 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 октябрда Тошкент шаҳри ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратди, қишқасида даражаси паст бўлади.